

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ХУСАНОВ ЗАФАР ЖЎРАҚУЛОВИЧ

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА ЭЛЕМЕНТАР
ФИЗИКАНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ТАҚРОРЛАШ ВА ҚАЙТА
ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Хусанов Зафар Жўрақулович

Ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ҳамда элементар физикани қисқа
муддатда такрорлаш ва қайта ўрганиш методикаси..... 3

Хусанов Зафар Журақулович

Методика самостоятельной деятельности, краткосрочного повторения
и повторного изучения учащимися элементарной физики..... 23

Xusanov Zafar Jo'raqulovich

The methods of short-term repetition and retraining of elementary physics
and independent activity of pupils..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ХУСАНОВ ЗАФАР ЖЎРАҚУЛОВИЧ

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА ЭЛЕМЕНТАР
ФИЗИКАНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ТАҚРОРЛАШ ВА ҚАЙТА
ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.Phd/Ped1684 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилиқ институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Турсунметов Комилжон Аҳмедович Физ.-мат. фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жўраев Ҳусниддин Олтинбоевич педагогика фанлари доктори, (DSc), доцент Нуруллаев Бобомурод Нажмитдинович педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30. 12.2019.Ped.72.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 10 кунин соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М. Икбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин 1069 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М. Икбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» 09 кунин тарқатилди.
(2021 йил 30 09 даги 9 - рақамли реестр баённомаси).



С.К. Каххаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Ф. Атоева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.д. (PhD),
доцент

Х.О. Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим-тарбия жараёнига замонавий инновацион технологияларини кенг жорий қилиш натижасида ўқувчиларнинг фан бўйича мустақил билим олишига, ижодий изланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларда “ўқувчилар билимини баҳолаш ҳалқаро дастури¹” (Programme for International Student Assessment, PISA) ҳамда “индивидуал ўқитиш тизими” (Dalton Plan) физикани ўқитиш жараёнига кенг татбиқ этиш асосида ўқувчиларнинг шу фанга қизиқишларини ошириш, дарс ва мактабдан ташқари ишларда фойдаланиш учун қўшимча илмий-оммабоп адабиётлар яратиш ва ўқувчиларнинг мустақил ижодий қобилиятларини ривожлантириш юзасидан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё педагогикасида ўқувчи-шахснинг илмий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга имкон берувчи мотивацион, дифференциал ва креатив таълим муҳитини яратиш, ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, назорат қилиш ва узлуксиз ривожлантириш, уларда ижодкорлик ҳамда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, физика таълимида ноанъанавий ва анъанавий интерфаол усулларни интеграциялашган ҳолда “мотив–фаолият–натижа” ўқув стратегиясини қўллаш, шунингдек, ижодий-лабораторияларни физика таълимининг барча босқичларида ўтказишга қаратилган “уй-тажриба” вазифаларини бажариш кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Истиклол йилларида замонавий техника ва технологиянинг асоси бўлган физика фани бўйича етук малакали кадрларни тайёрлаш янги босқичга кўтарилди. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш²” каби устувор вазифаларни бажаришда, элементар физикани қисқа муддатда такрорлаш ва қайта ўрганишга йўналтирилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш методикасини виртуал лаборатория топшириқлари ва ахборот ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали такомиллаштириш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон «Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 сентябрдаги

¹ Sky's the limit sky's the limit growth mindset, students and schools in PISA. <https://nces.ed.gov/surveys/pisa/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси «Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5712-сон Фармонлари ҳамда мазкур тадқиқотга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Физика фанини мустақил ўрганишдаги ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятларини самарали ташкил этиш, ўтказиш ва мукаммаллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича республикамиз ҳамда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Физика фанини ҳамда бошқа табиий фанларни қисқа вақтда мустақил ўрганиш ва такрорлаш муаммолари билан мамлакатимиз олимларидан К.А.Турсунметов, О.Э.Тигай, А.И.Худойбердиева, Т.М.Оплачколар МДХ олимларидан Е.С.Козикова, Ю.К.Бабанский, Э.В.Минко, В.В.Давыдов, В.А.Гидронович, О.В.Онопrienко, Д.Ф.Шеренберг, В.Ф.Шаталов ва бошқа тадқиқотлар олиб борганлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиққанлар.

Буни асосида мустақил ишни ташкил қилиш ва ўтказиш ётади ва мустақил таълимни педагогик муаммо сифатида Республикамиз олимлари: Б. Мирзахмедов, Н. Муслимов, К. Мўминхужаев, М. Мусаева, М. Болтаева, У. Нишоналиев, МДХ мамлакатлари олимлари Б.П. Есипов, М.И. Ермолаева, Л.В. Жарова, В.Н. Орлов, П.Н. Пидкасистый, Л.А. Иванова, И.Я. Ланина ҳамда хорижий мамлакатларда F.J. Bueche, P.I. Nolan, J. Walker, D. Giencoli каби олимлар илмий ишларида ҳар хил даражада тидқиқ қилинган.

Мустақил ишларнинг турлари, классификацияси, уларни бажариш, мустақил иш ва мустақил таълимнинг ижобий хусусиятлари Республика олимлари: Д. Пўлатов, Ў. Султанова, М. Джораев, МДХ мамлакатлари олимлари В.И. Беспалько, Г.Н. Белл, Б.А. Буров, И.Н. Малкин, Р.М. Микельсон, С.А. Рубинштейн, А.В. Пёришкин, А.В. Усова ва каби олимларнинг олиб борган ишлари эътиборга лойиқдир.

Мустақил ишларни ўқувчи ва талабаларнинг мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириши ҳамда политехник, экологик тарбия ва ижодий кўникмаларнинг шакллантиришдаги роли А. Мавлонов, Г. Сагатова, Х.О. Жўраев ҳамда МДХ мамлакатлари олимлари В.Ф. Паламорчук, А.А. Плигин, В.Г. Разумовский, Е.А. Румбешта каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Шу жумладан таълимнинг давр талаби асосида таълимни ташкил этиш ва ўтказишга замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш бўйича

Республика олимлари Қ. Абдурахмонов, Ж. Йўлдошев, Р.Х. Джўраев, Э.З. Имомов, С.Қ. Қахҳоров, М. Лутфиллаев ҳамда МДХ мамлакатлари олимлари: М. Кларин, А. Иванова, Т. Соколова, М. Махмутов, А. Кавтрев кабиларни тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Диссертацияни ёзиш жараёнида юқорида номлари кўрсатилган жаҳон ва ўзбек педагог олимларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотимизда бошқа илмий ишлардан фарқли ўларок, ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш, қисқа муддатда элементар физикани такрорлаш ва қайта ўрганиш усуллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-71 «Физика, астрономия ва бошқа турдаги таълим йўналишлари учун назарий физика курслари бўйича электрон ўқув-услугий комплекс яратиш (2015-2017 йй.)» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчиларнинг элементар физикани қисқа вақтда интенсив равишда такрорлаш ва қайта ўрганиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот мавзусига оид педагогик, дидактик, илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилишдаги муаммоларни ўрганиш;

ўқувчиларнинг физика фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишнинг мазмуни ва структурасини такомиллаштириш ва амалга ошириш имкониятларин аниқлаш;

ўқувчиларнинг физика фанига оид адабиётлар билан ишлаш кўникмасини ва малакасини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг мустақил интенсив равишда назарий курсни қисқа вақтда такрорлаш ва мавзуларни конспект қилиш вазифасини бажарувчи ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

ўқувчиларнинг элементар физикани қисқа вақтда интенсив равишда такрорлаш ва қайта ўрганиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни педагогик тажриба-синовдан ўтказишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим ва профессионал таълим ўқув муассалари ўқувчиларининг элементар физикани мустақил интенсив равишда такрорлаш ва қайта ўрганиш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим ва профессионал таълим ўқув муассасалари ўқувчиларининг элементар физикани мустақил равишда такрорлаш ва қайта ўрганишни ташкил қилиш шакллари, фаолият мазмуни, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, дидактик, илмий-методик адабиётларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш,

умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим давлат таълим стандарти, ўқув режа ва дастурларни ўрганиш, физика фанини ўқитиш имкониятлари ва педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар билан педагогик суҳбат, анкета сўровлари ва тест назоратлари ўтказиш, тадқиқот мавзусига оид илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, педагогик тажриба-синов ўтказиш ва олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қисқа муддатда такрорлаш ва қайта ўрганиш асосида физикавий билим ва кўникмаларини ривожлантириш жараёнининг мантиқий-тузилмавий ва ташкилий-педагогик схемасини ишлаб чиқиш орқали ўқувчилар мустақил фаолиятининг мотивацион, дифференциал ва креативлик функциялари кенгайтирилган;

ўқувчиларда физика курсининг “электр ва магнетизм” ва “оптика” бўлимларига оид билим ва тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган “уй-тажриба” топшириқлар мажмуасини синф-дарс тизимида амалга ошириш орқали қисқа муддатда такрорлаш ва қайта ўрганиш жараёнининг таркибий тузилмаси мазмуни такомиллаштирилган;

физик масалаларни ечишда “таҳлил-муаммо-фаолият-натижа” ва интенсивлик тамойиллари асосида мавзуга оид релевант маълумотларни излаш ва таҳлил қилиш ҳамда номаълум параметрларни ҳисоблашда “режа тузиш”, “контент билан ишлаш” ва “эркин тасаввур” каби методларни қўллаш орқали дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг физикани ўрганиш методикаси такомиллаштирилган;

элементар физикани қисқа вақтда такрорлаш ва қайта ўрганишда ўқувчиларнинг физикавий лабораторияларни мустақил ўтказиши ва масалаларни ечиш кўникмаларини ривожлантиришга устуворлик бериш асосида мослашувчанлик, коммуникативлик ва интеллектуаллик каби ўқув-билиш қобилиятларини шакллантиришнинг услубий таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг физика фанини қисқа вақтда такрорлаш ва қайта ўрганиш, адабиётлар билан ишлаш, таянч конспект қилиш кўникмаси ва малакасини ҳосил қилиш фаолиятининг шакллари, мазмуни, структураси ишлаб чиқилган;

ўқувчиларни мустақил интенсив равишда физиканинг назарий курсни қисқа вақтда такрорлашда, мавзуларни таянч конспект қилишда, билимларни тизимлаштиришда ҳамда масала ва тест топшириқларини ечишга қаратилган усуллар таклиф этилган;

ўқувчиларнинг физикани масалалар ечиш ва оғзаки саволларга жавоб топиш орқали қайта ўрганиш ва такрорлашда «Умумий физика курсидан савол ва масалалар тўплами» ҳамда назарий билимларни амалиётга қўллаш малака ва кўникмаларини шакллантириш учун “Физика фанидан тажриба

ишларини бажариш бўйича ўқув қўлланма» номли ўқув қўлланма чоп этилган ва амалиётга татбиқ этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Муаммонинг аниқ қўйилганлиги; назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги; келтирилган таҳлилларнинг қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим давлат таълим стандарти, ўқув режа ва дастурларни ўрганиш, физика фанини ўқитиш имкониятлари ва педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар билан педагогик суҳбат, анкета сўровлари ва тест назоратлари ўтказиш, тадқиқот мавзусига оид илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, педагогик тажриба-синов ўтказиш ва олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари воситасида асосланганлиги; илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларнинг физикани мустақил равишда қисқа муддатда такрорлаш ва қайта ўрганиш фаолиятининг услубий, ташкилий имкониятлари ва шарт-шароитлари аниқланган, ўқувчиларни ўқув адабиётлари, маълумотнома ва бошқа адабиётлар билан ишлаш, конспект қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш услубияти ишлаб чиқилган илмий хулосалардан элементар физика методикаси йўналишларида амалга ошириладиган ишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта умумтаълим мактаблари учун “Физика”, олий таълим талабалари учун “Умумий физика” фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда, электрон ишланмалар яратишда, илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ҳамда элементар физикани қисқа муддатда такрорлаш ва қайта ўрганиш методикаси бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

элементар физикани мустақил қисқа муддатда такрорлаш ва қайта ўрганиш фаолиятининг ташкилий-педагогик шартлари ўқувчиларда физик билим, кўникма ва малакаларни самарали ривожлантиришнинг хусусиятларига оид таклифлар А-1-71-рақамли «Физика, астрономия ва бошқа турдаги таълим йўналишлари учун назарий физика курслари бўйича электрон-ўқув-услубий комплекс яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини 2020 йил 11 сентябрь № 89-03-3243-сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқарилган таклиф ва тавсиялар умумий ўрта мактаб, ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг элементар физикани ўрганишга, билимларини чуқурлаштиришга ва тизимлаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг физика фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш компонентлари мустақил иш жараёнининг моҳиятини очиб бериш ҳамда физиканинг «Электр ва магнетизм», «Оптика» бўлимларига оид тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёни уй-тажриба вазифаларини амалга оширишнинг технологик таркибий тузилмасига оид таклифлардан «Fizikani takrorlang» номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мухсус таълим вазирлигининг 9 февраль 2007 йилдаги 24 буйруғи, № 0612). Натижада Республикамиздаги умумий ўрта мактаб ва академик лицей битирувчилари олий таълим муассасаларига кириш тест-синовларига тайёрланиш имкониятига эга бўлган;

элементар физикани қисқа вақтда интенсив равишда такрорлаш ва қайта ўрганишда ўқувчиларнинг қобилиятлари ижодий-интеллектуал масалаларни ечиш кўникмаларини ривожлантиришга доир таклиф ва тафсияларидан «Умумий физика курсидан савол ва масалалар тўплами» ҳамда «Физика фанидан тажриба ишларини бажариш буйича ўқув қўлланма» номли ўқув қўлланмаларни тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мухсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2-майдаги 394-сонли буйруғи № 394-307, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта мухсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6-октябрдаги 522-сонли буйруғи, 522-018). Натижада ўқувчиларнинг физикани ўрганиш ва қисқа вақтда такрорлаш, билимларини тизимлаштириш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни ва ғоялари 14 та илмий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси буйича жами 37 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш буйича тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 та республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 3 та ўқув қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзуни долзарблиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги ёритилган ва кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқот усуллари ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

ёритилган, тадқиқот ишининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган илмий-услубий ишлар, диссертация тузилиши ва унинг ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Элементар физикани такрорлаш ва қайта ўрганишда ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида ўқувчиларнинг мустақил иши, уларнинг хусусиятлари, турлари, уларни ташкил қилиш ва ўтказилишининг дидактик ва ташкилий муаммолари, ўқувчиларнинг физикани мустақил ўрганиши ва қайта такрорлаши, яъни ўқувчиларнинг мустақил фаолияти бўйича фалсафий, психологик, педагогик, илмий ва илмий-услубий адабиётлар ҳамда илмий тадқиқот ишларининг таҳлили келтирилган. Ушбу бобда ўқувчиларнинг мустақил иши ва мустақил фаолияти тавсифланиб, у ўқув жараёнининг органик қисми эканлиги аниқланган.

Элементар физикани умумий ўрта таълим мактабларда ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида етарли даражада ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун имкониятлари етарли эмаслиги таъкидланган. Бунда, биринчидан, физикани ўқув жараёнида ўрганиш учун ажратилган ўқув соатларининг камлиги бўлса, иккинчидан, ўқув воситалари: ўқув намойиш ва лаборатория қурилмалари, виртуал лаборатория ишлари, маълумотномалар, ўқув қўлланмалари, энциклопедия ва бошқаларнинг етарли даражада бўлмаслигидир. Шунинг учун ўқувчилар элементар физикани мустақил равишда такрорлаши ва қайта ўрганиши зарур. Шу сабабли ўқувчиларнинг мустақил ишларининг турлари, уни ташкил қилиш ва ўтказишнинг дидактик муаммолари таҳлил қилинди.

Физикани мустақил ўрганиш ва қайта ўрганиш ҳамда такрорлаш асосан икки шаклда амалга оширилиши таъкидланган. Биринчиси, бу жамоа бўлиб ўқитувчи раҳбарлигида тўғарак кўринишида амалга оширилади. Бунда эса вақт нуқтаи назаридан ҳамда ўқувчининг шахсий имкониятлари ҳамда уларнинг билимларини баҳолаш муаммолари ҳал қилинмай қолади. Шунинг учун иккинчи шакл, яъни ўқувчилар физикани ўқув муассасасидан ташқарида мустақил ўрганишлари керак бўлади.

Мавжуд илмий, илмий-усулий адабиётлар таҳлилида жараёнида қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди ва уларни ҳал қилиш услуб, усул ва воситаларини яратиш кераклигини таъкидланди:

ўқувчиларнинг ўқув адабиётларини ҳамда қўшимча адабиётлар билан ишлаш ва конспект, таянч конспект қилиш малакасининг етарли даражада эмаслиги;

ўқувчиларнинг элементар физикани қисқа вақтда мустақил ўрганишлари учун «Маълумотнома» ларнинг етарли эмаслиги;

ўқувчиларнинг физикадан масала ва тест турларини ажратиш ва уларни ечиш кўникмасининг пастлиги ҳамда билим савиясига қараб физикани қайта ўрганишда масалалар турларини ва уларни ечиш методикасини танлаш кўникмасини йўқлиги;

физика фанини ўрганишда тажрибалар ўтказиш, ўқув уй-лаборатория ишларини бажариш, ўлчаш катталикларини ҳисоблаш, ҳисобот тайёрлаш ва хулосалар қилиш кўникмасининг етарли эмаслиги;

фикрий эксперимент ва ундан фойдаланиш малакасининг бўлмаслиги;
физикани қайта ўрганиш ва такрорлашда электрон ишланмалар, электрон дарсликлар ҳамда интернет тизимидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги;


ўқувчиларнинг билимини физикадан ўз-ўзича холисона баҳолаш тизимининг йўқлиги.

Шуларни зикр қилган ҳолда бугунги кунда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, физикани мустақил ўрганиши ва такрорлаши учун зарур бўлган ҳамда дидактик тамойилларга жавоб берувчи ўқув қўлланма-маълумотномани яратиш, уларни қўлланиш методикасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб илмий-педагогик ҳамда ташкилий муаммо бўлиб қолмоқда ва бу муаммони ҳамда юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш мазкур диссертация ишининг асосий вазифаси бўлди.

Тадқиқот ишининг ушбу бўлимида ўқувчиларнинг мустақил иши ва фаолиятини ташкил қилиш муаммолари, ташкил қилиш шакллари ҳамда уларни ташкил қилишдаги дидактиканинг категория ва принциплари ҳамда шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланиш, шунингдек ўқувчиларни физикани мустақил ўрганиш кўникмасини шакллантириш омиллари баён қилинган. Ўқувчиларнинг физикани мустақил ўрганишдаги фаолиятининг такомиллашган тизими 1-расмда келтирилган. Унда ўқувчининг мустақил фаолияти шакллари, турлари, ўқув воситалари интеграллашган ҳолда келтирилган.

Диссертациянинг «Физикани мустақил такрорлаш ва қайта ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланиш» режасида ўқувчиларни элементар физиканинг назарияси, масала ечиш, виртуал лаборатория ишларини бажариш, электрон ишланма ва анимациялардан фойдаланиш методикаси ёритилган. Унда умумий педагогик тизимларга бўлган илмий-услубий талаблар, уларнинг имкониятлари тавсифланган.

Шунингдек, ўқувчиларни дастурий педагогик тизимлардан фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши таъкидланган ҳолда К.А.Турсунметов ва О. Тигайлар томонидан яратилган «Физикадан электрон дарслик», Физикани ўрганиш ва такрорлашга бағишланган қатор хорижий электрон қўлланмалар ҳамда А. Ибраймов томонидан ишлаб чиқилган умумтаълим мактаблари учун физикадан виртуал лаборатория ишларидан фойдаланиш тавсия қилинган. Физикани ўқувчилар мустақил ўрганишда ўзларининг билимини холисона ўзи баҳолаш муаммоси асосан К.А.Турсунметов ва О.Тигайларнинг электрон дарслигида етарли даражада ҳал қилинганлиги ва ундан кенгроқ фойдаланиш тавсия этилди.



1-расм. Ўқувчиларнинг мустақил фаолияти жараёнининг модели

Диссертациянинг «Элементар физикани мустақил такрорлаш ва қайта ўрганиш методикаси» деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларнинг физикадан мустақил ишлари ҳамда мустақил ҳолда ўрганиш фаолиятининг методикалари, ўқувчиларнинг физикадан масала ечиш кўникмасини орттириш, уй тажриба экспериментларини бажариш методикаси, физикани ўрганишдаги фикрий экспериментнинг роли, физикани мустақил такрорлаш ва қайта ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, қисқа муддатда физикани қайта ўрганиш ва такрорлаш методикасига бағишланган.

Шунингдек, бу бобда ўқувчиларнинг ўқув адабиётлари ҳамда дарсликлар билан ишлаш методикаси ёритилган бўлиб, унда назарий

билимларни тизимлаштириш методикаси тавсия қилинди ва у 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал.

Назарий билимларни тизимлаштириш


Физик (жараёнлар) Ходисалар	Физик қонунлар	Физик назария	Физик катталиклар
1. Ҳодисанинг ташқи белги – таснифлари. 2. Унинг амалга ошиш шарт-шароитлари. 3. Ҳодисанинг физик, илмий моҳияти. 4. Бу ҳодисанинг бошқа ҳодисаларга алоқадорлиги. 5. Ҳодисанинг микдорий таснифлари – формулалари. 6. Ҳодисанинг амалда қўлланилиши. 7. Ҳодисани салбий оқибатларидан ҳимояланиш усуллари.	1. Қонуннинг таърифи (ўз сўзи билан). 2. Қонунни имкон борича символлар ва белгилашлар асосида ёзиш. 3. Қонунни очилиш жараёни. 4. Қонунни қўлланилиш чегараси. 5. Қонунни қўлланилиш соҳалари.	1. Назариянинг вужудга келиши ҳақида қисқача маълумот. 2. Назариянинг базиси – асоси. 3. Назариянинг ядроси. 4. Назариядан келиб чиқадиган натижалар ва оқибатлар. 5. Назариянинг қўлланилиш чегаралари.	1. Физик катталиқнинг таърифи. 2. Тушунчани символлар билан ёзиш. 3. Физик катталиқ формуласи. 4. Катталиқнинг махсус хоссалари (вектор, скаляр). 5. Физик катталиқнинг бирликлари. 6. Физик катталиқни ўлчаш усуллари. 7. Техникада ва табиатда катталиқнинг ўлчайдиган қийматлари.

Бундай умумлаштирилган адабиётни ёки мавзуни ўрганиш режа – схемаси ўқувчиларнинг ўқув-ўрганиш, яъни мустақил ўрганиш жараёнини фаоллаштиради ҳамда мавзу матни устида мақсадга йўналган, уни чуқур тушунган ва онгли ҳолда ўрганишга олиб келади. Шу жумладан ўқувчиларнинг мавзуни механик ўрганиш ва ёдлаб олишларига йўл қўймайди, ўқувчининг ўқув-ўрганиш фаолиятига ижодий элементларни киришига олиб келади ҳамда маълумотни аниқ акслантиришга, яъни ўрганилаётган фанни очиқ мантиқий ўрганишга имкон беради

Ўқувчиларнинг физика дарслиги ва адабиётлари бўйича конспект тузиш кўникмасини ҳосил қилиш методикаси ишлаб чиқилди.

«Ўқувчиларнинг физикадан масала ечиш кўникмасини ҳосил қилиш методикаси» режасида физикадан масалаларнинг барча турлари ва уларни ечиш методикалари баён қилинган. Физикадан масалаларнинг турлари ва уларни ечиш усуллари интеграллашган ягона «Қилтанокли балиқ» моделида

жамланган бўлиб, унда масалаларни турлари ва уларни ечиш методлари физика таълимининг босқичлари бўйича вариацияланган вариантлардан фойдаланиш тавсия қилинган. Физикадан мустақил масала ечишни мустақил ўрганаётган ҳар бир ўқувчи ўзининг савиясига қараб, масала турлари ва уларни ечиш методларини шу модел асосида танлайдилар.



2-расм. Физикадан масала ечиш амалиётининг ўқувчиларнинг билим ва малакасини оширишдаги роли

Бу эса ўқувчиларни масала ечишга киришишдаги психологик баръерни камайтиради. Физикадан масала ечиш амалиётининг ўқувчининг билими ва фикрлаш қобилиятини орттириши 2-расм орқали тавсифланиши мумкин. Шу жумладан физикадан масала ечишнинг такомиллашган алгоритми ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Физикани ўрганишда экспериментларини бажариш методикаси» режасида, физика фани ҳам назарий, ҳам экспериментал фан бўлгани учун физик тажриба ва экспериментларни ўрганиш режаси ҳамда бажарилган иш бўйича ҳисобот тайёрлаш методикалари ёритилди.

А. Юсуповнинг «Физикадан практикум ишлари», К.А. Турсунметов ва А. Худойбердиевларнинг «Физикадан практикум» ва А. Исроиловнинг «Физикадан уй экспериментал ишлари» ўқув қўлланмаларидан 26 та лаборатория ишлари танланиб олиниб, уларни бажариш методикаси ёритилган. Ўқувчилар физикани мустақил фақат назарий аспектда ўрганиб қолмасдан, балки уни чуқурроқ амалий аспектда ҳам ўрганиш тавсия қилинди. Бунда уй шароитида ҳамда бугунги мавжуд воситалардан фойдаланилган ҳолда бажариш имконияти мавжуд ўқув экспериментлари тавсия қилинган. Бундай имкониятдан аксари ўқувчиларнинг кўп қисми фойдалана олиши педагогик тажриба даврида намоён бўлди ҳамда ўқувчиларнинг тажрибалар бажаришга иштиёқи ортиши кузатилди.

Шунингдек, фикрий эксперимент ва унинг физикани ўрганишдаги ўрни, фикрий экспериментнинг моҳияти, унинг физикани ўрганишдаги роли, фикрий экспериментларнинг шаклланиш технологиялари ҳамда унинг физикани мустақил ўрганишдаги имкониятлари баён қилинган.

Диссертациянинг «Қисқа муддатда (экстернат) физикани қайта ўрганиш ва такрорлаш методикаси» деб номланган режасида ўқувчиларни экспериментал физикани қисқа муддатда Давлат таълим стандарти ва компетенция талабларига жавоб берувчи савияда ўрганишнинг шарт-шароитлари ва омиллари баён қилинган.

Шунингдек, ўқувчиларнинг мустақил фаолиятининг компетенциявий боғлиқлик тизими ишлаб чиқилди ҳамда ўқувчиларнинг қисқа вақтда, экстернат шаклида физикани қайта ўрганиш ва такрорлаш, уларнинг физик билимларини баҳолашнинг 5 варианты тавсия этилди (3-расм).

Бундай амалиёт Республика ёшларининг физикани қисқа вақтда Давлат таълим стандартига жавоб берувчи даражада ўрганишга имкон беради. Жаҳон амалиётида инглиз тили (бошқа чет тиллари)дан ўқувчилар экстернат имтиҳон топшириб (масалан, TOEFL, IELTS) сертификатлар олмақдалар ҳамда ўзларининг чет тилидан билимларини чуқурлаштирмоқдалар ва мукамаллаштирмоқдалар. Физикадан «Тест маркази» ёки бошқа давлат комиссияларига ўқувчилар имтиҳон топшириб, 3 хил тоифадаги сертификатлар олишни тавсия қилиш мумкин.

I тоифадаги сертификат эгалари физика фани асосий бўлган Олий таълим муассасаларига имтиҳонисиз қабул қилиниши, II тоифали сертификат эгалари фақат физикадан олий таълим муассасаларига имтиҳон топширмасдан тоифага мос балларга эга бўлади, III тоифали сертификат эгалари физика фани иккинчи даражали бўлган олий таълим муассасаларига физикадан имтиҳон топширмасликлари мумкин. Бу жараён албатта катта ташкилий меҳнат ва сарф-харажатларни талаб қилгани учун, сарф-харажатларнинг асосий қисми ўқувчилар томонидан қопланиши режалаштирилиши керак. Таклиф қилинган методика республикамизда физика таълими савиясини қисқа муддатда яхшилаб, физик саводхонликни янги босқичга кўтаради. Шунингдек, ўқувчиларни олий таълим муассасаларига кириш синови ва жараёнини осонлаштиради.



3-расм. Ўқувчиларнинг физикани қисқа вақтда такрорлаш ва қайта ўрганиш ҳамда физикадан эгаллаган билимини баҳолаш вариантлари

Диссертациянинг «Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижалари» деб номланган учинчи бобида педагогик - тажриба синовининг мақсади ишлаб чиқилган ва чоп этилган илмий-тадқиқот натижалари ҳамда «Физикани такрорланг» ўқув қўлланмаси тузилганлиги, ўқувчиларнинг физикани мустақил қисқа вақтда такрорлаш ва қайта ўрганиш мақсадида физикадан билимларини ортиришдаги ҳамда уларнинг мустақил фаолиятини такомиллаштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Педагогик тажриба-синов 5 та тажриба майдонида олиб борилди. Навоий давлат кончилиқ институти хузуридаги 2-сон академик лицейда, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейда, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ўқув марказида ва Навоий шаҳар ўқув марказида, Самарканд вилояти Нарпай туманидаги «Нарпай йўл қурилиш ва автосервис» касб-ҳунар коллежларида ўтказилди ва унда 255 та ўқувчи иштирок этди.

Педагогик тажриба -синовининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Мустақил қисқа муддатда қайта ўрганиш ва такрорлаш учун зарурий ўқувчиларнинг физикани ўқув воситалар ва шарт-шароитларни аниқлаштириш.

2. Яратилган ўқув қўлланма ҳамда ишлаб чиқилган илмий-услубий ишларни ўқувчиларни физикани мустақил ўрганиш шароитида қўллаш имкониятлари ва самарасини ҳамда ўқувчиларнинг физикани ўзлаштириш даражасига таъсирини текшириб кўриш.

3. Яратилган ўқув қўлланма ҳамда методикаларнинг физика таълимида қўллаш буйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Педагогик тажриба-синов уч босқичда, 2015-2019 йилларда ўтказилди. Ҳар бир босқичда тадқиқот муаммолари буйича ўқув адабиётлар, қўшимча адабиётлар, илмий-услубий адабиётлар таҳлил қилинди, ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказилди, ўқувчиларнинг мустақил ишлари муаммолари бўйича анкета сўровномалар ўтказилиб, улар таҳлил қилинди, педагогик тажриба синовнинг ўтказиш тартиби ва методикаси аниқлаштирилди, педагогик тажриба-синовнинг ўтказиладиган муассасада ўқитувчилар таркиби аниқланди, ўқувчилар билан суҳбат ва маслаҳатлар ташкил қилинди, мустақил ишлар ташкил қилинди, уй-тажриба вазифалари берилди, назорат ёзма ишлари олинди, ўқувчиларнинг тажриба натижалар бўйича ҳисобатлари баҳоланди, олинган натижалар математик-статистик қайта ишланиб, педагогик тажриба синовнинг мақсадлари аниқлаштирилди.

Педагогик тажриба-синовнинг якунловчи босқичи (2017-2018 ва 2018-2019-ўқув йиллари) да ўқувчиларнинг мустақил физикани такрорлаш ва қайта ўрганиш (қисқа муддатда) технологиясини апробацияси бўлиб ўтди. Унда тажриба гуруҳидаги ўқувчилар физиканинг асосий қонуни жараёни ва қоидаларни берилган маълумотнома – «Физикани такрорланг» ўқув қўлланма асосида материалларни мустақил такрорладилар, шу жумладан, қийинчилик даражаси ҳар хил булган тест вазифаларини ҳал қилдилар.

Шунингдек, уларга қатор уй лаборатория ишлари, ўқув лаборатория ишлари берилди ва ўқувчилар уларни бир қисмини муассаса лабораториясида, қолган қисмини уй тажриба экспериментларни уйда бажаришди.

Баҳолаш «5» балли системада: кўрсаткич 55% дан кичик бўлса «2», 55 %-70 % бўлса «3», 71 %-85 % бўлса «4», 86 %-100 % бўлса «5» баҳо қўйилди.

Ўқувчиларнинг педагогик - тажриба синовда таклиф этилган адабиётлар услубий қўлланмаларни, ўқув воситаларни ўқувчилар физикадан олган билимларига таъсирини текшириш χ^2 (Хи-квадрат) – Пирсон мезонидан фойдаланилди.

$$T_{\text{кюз}} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^4 \frac{(n_1 a_{2i} - n_2 a_{1i})^2}{a_{1i} + a_{2i}}$$

Педагогик тажриба-синовнинг натижасини баҳолаш қўйдаги эркинлик даражаси $s=4$ ва аҳамиятлилик даражаси $\alpha=0,95$ учун Пирсон мезонининг коэффиценти $T_{\text{кр}}$ нинг қиймати жадвалдан аниқланади: $T_{\text{кр}}=7,815$.

Кузатилаётган педагогик - тажриба синови учун $T_{куз}$ нинг қиймати кўйидаги формула бўйича ҳисобланди:

Натижалар бешта ўқув муассаса ўқувчилари учун 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларида физикадан 3 тур бўйича олган билимларнинг шаклланганлик даражаси

Тажриба-синов ўтказилган ўқув муассасалар бўйича умумий натижалар	Кўрсаткич	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида ўқувчилар сони	%	Тажриба охирида ўқувчилар сони	%	Тажриба бошида ўқувчилар сони	%	Тажриба охирида ўқувчилар сони	%
Аъло		11	3,01	42	11,02	8	2,1	21	5,4
Яхши		146	38,38	199	52,23	136	35,4	155	40,6
Қониқарли		172	45,01	120	31,49	182	47,4	168	43,7
Қониқарсиз		52	13,6	20	5,26	58	15,1	40	10,3

Синаб кўрилиб, ўтказилган методиканинг самарадорлиги χ^2 методига асосан ҳисобланди ва унда $T_{куз}=9,26$ ва $T_{куз}>T_{кр}=7,815$ эканлиги маълум бўлди.

Тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларининг физикадан билимларининг шаклланганлик даражалари бўйича натижалар изоҳланган:

– аъло баҳолаш кўрсаткич назорат гуруҳларида тажриба бошида 2,1 % ўқувчилар юқори даража кўрсатган бўлса, тажриба охирида 5,4 % ўқувчи юқори даражага эришди, тажриба-синов гуруҳларида эса тажриба бошида 3,01 % ўқувчи юқори даража кўрсатган бўлса, тажриба охирида 11,02 % ўқувчи юқори даражага эришди;


– яхши баҳолаш кўрсаткичга эришган ўқувчилар сони назорат гуруҳларида дастлабки босқичда 35,4 % бўлган бўлса, охириги босқичда бу кўрсаткич 40,5 % ни ташкил этди, тажриба-синов гуруҳларида дастлаб бу кўрсаткич 38,38 % бўлса, тажриба охирида 52,23 % га эришилди;

– қониқарли баҳолаш кўрсаткичли ўқувчилар сони назорат гуруҳларида 47,4 % дан 43,7 % га камайди, тажриба-синов гуруҳларида эса 45,01 % дан 31,49 % га камайди;

– қониқарсиз баҳолаш кўрсаткичли ўқувчилар сони назорат гуруҳларида 15,1 % дан 10,4 % га камайди, тажриба-синов гуруҳларида эса 13,6 % дан 5,26 % га камайди.

Яратилган ўқув қўлланма- маълумотнома ҳамда методик қўлланмалар ва ўқув қўлланмалар, улар асосида ўқувчиларнинг мустақил иши ва мустақил

фаолиятининг педагогик тажриба-синовлари ўқувчиларнинг физикадан билимларини савиясини (даражасини) 1,11 марта, яъни 11% га ортишини



кўрсатади.

4-расм. Тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларида физикадан 3 тур бўйича олган билимларнинг шаклланганлик даражасини қиёсий кўрсаткичлари

ХУЛОСАЛАР

1. Ўқувчилар физика фанидан мустақил иш ва мустақил фаолияти, уни ташкил қилиш, ўтказиш, уларни баҳолаш муаммоларини ўрганиб, уни ҳал қилиш ҳам илмий-услубий, ҳам ташкилий муаммо эканлигини кўрсатилди ҳамда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти физика таълимининг органик қисми эканлиги аниқланди.

2. Физикадан ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ва мустақил ишини самарали ташкил қилиш ва ўтказиш шарт-шароитлари ҳамда ўқув воситалари аниқланди ҳамда кўрсатилди.

3. Ўқувчиларнинг мустақил фаолияти турлари, шакллари ҳамда уларнинг турли ўқув воситалардан самарали фойдаланиш жараёнини тавсифловчи тизим тузилиб, у модел шаклда акс эттирилди.

4. Ўқувчилар дарслик, ўқув ва ёрдамчи адабиётлар билан ишлаш, физикадан таянч конспектлар тузиш кўникмасини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилди.

5. Физикадан масалалар турлари, уларни ечиш методикалари таҳлил қилиниб, уларни тавсифловчи интеграллашган «қилтанокли балиқ склети» моделидан фойдаланиб, тест вазифалари ҳамда масала ечиш кўникмасини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилди.

6. Ўқувчиларнинг мустақил физикани чуқурроқ ўрганиш учун уй тажриба ҳамда фикрий экспериментларни бажариш зарурлиги кўрсатилди.

7. Ўқувчиларнинг қисқа муддатда (тезкор-эктернат) да физикани қайта ўрганиш ва такрорлаш методикаси ишлаб чиқилди ва шу асосида «Fizikani takrorlang»-ўқув қўлланма-маълумотнома яратилиб, чоп қилинди ва амалиётга тадбиқ этилди, педагогик тажриба-синовда синаб кўрилди.

8. Ўқувчиларнинг физикани тезкор ўрганишлари ва такрор ўрганишларида дастурий педагогик ўқув воситаларидан (электрон материаллардан) фойдаланиш методикаси ёритилди.

9. Ўқувчиларнинг физикани ўрганганлик даражаси, яъни физикадан билим даражасини, унинг физикани мустақил ўрганиш натижаларини баҳолаш вариантлари таклиф қилинди ва улар йил давомида таълим вазирлиги тузган комиссиялари ёки «Тест маркази» комиссиясига имтиҳон топшириб «Сертификат» олиш шакллари таклиф қилинди.

10. Физикани ўқитишда педагогиканинг асоси бўлган дидактика ва унинг тамойиллари ўрганилиб, уни қўлланилиши аспекти кўрилди ҳамда Республикамиз ўқитувчилари дидактика тамойиллари асосида физикани ўқитиш даъват қилиниб, «Дидактика нима?», «Дидактикани биласизми?» мақолалари чоп қилинди.

11. Физикани ўзлаштиришни қийин бўлган ва дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларда етарли даражада ёритилмаган мавзулар: «Дифракция», «Интерференция», «Интерферометрлар» мавзулари интеграцион технологиялар асосида дидактик йириклаштириш ва умумлаштириш асосида ёритилди.

12. Яратилган ўқув қўлланма – маълумотнома ҳамда методик қўлланмалар ва ўқув қўлланмалар, улар асосида ўқувчиларнинг мустақил иши ва мустақил фаолиятининг педагогик тажриба-синовлар ўқувчиларнинг физикадан билимларини савиясини (даражасини) 1,11 марта, яъни 11% га ортишини кўрсатади.

Таклифлар ва тавсиялар:

– «Физикани такрорланг» ўқув қўлланма-маълумотномани физика таълимида кенг қўллаш тавсия этилди;

– физиканинг барча бўлимлари бўйича глоссарийлар яратилиб, чоп этилиш зарурияти аниқланди;

– умумий ўрта мактабларда «Физикадан масалалар ечиш» амалиёти учун янги педагог технологиялар асосида дарслик яратиш ёки «Физикадан масалалар тўплами» ўқув қўлланмалари қайта нашр қилиши ва барча мактаблар тўла таъминланиши зарур.

– физика лаборатория машғулоти учун ҳамда ўқувчиларнинг мустақил равишда тажриба ўтказиш учун зарур ўқув қўлланмалар: «Физикадан практикум» ҳамда «Физикадан уй тажрибалари» ўқув қўлланмаларини қайта етарли миқдорда чоп қилиш мақсадга мувофиқдир;

– ўқувчиларнинг электрон дарсликлари ҳамда виртуал лаборатория ишларидан фойдаланиш малакаси ва кўникмаси етарли даражада эмаслигини ҳисобга олиб, умумтаълим ўрта мактаб ўқув режаси ҳамда ўқув дастурларида ўзгартиришлар киритилиши лозим;

– республика бўйича 10 мингга яқин умумтаълим мактабларини ўқув лаборатория қурилмалари билан тўла таъминлаш муаммо бўлгани учун, Республикада «Физика» дан яратилган қатор электрон ишланмалар ва виртуал лаборатория ишларидан фойдаланилган ҳолда марказлашган ва молиялаштирилган шароитда «Физикадан ўқитувчи, ўргатувчи, назорат қилувчи» электрон дарслик яратилиб, у билан барча мактаблар таъминланиши мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАВОИСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

ХУСАНОВ ЗАФАР ЖУРАКУЛОВИЧ

**МЕТОДИКА САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ,
КРАТКОСРОЧНОГО ПОВТОРЕНИЯ И ПОВТОРНОГО ИЗУЧЕНИЯ
УЧАЩИМИСЯ ЭЛЕМЕНТАРНОЙ ФИЗИКИ**

13.00.02 – Обучение и теория и методика воспитания (физика)

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по педагогике**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогике зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/Ped1684.

Докторская диссертация выполнена в Навоиском государственном горный институте
Автореферат диссертации на трех (узбекском, русском) языках и резюме на английском языке размещенной на веб-странице по адресу (www.karsu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Турсунметов Комилжан Ахмедович
доктор физ.-мат., наук, профессор

Официальные оппоненты:

Жураев Хусниддин Олтинбоевич
доктор педагогических, наук, (DSc), доцент

Нуруллаев Бобомурод Нажмитдинович
кандидат педагогических, наук, доцент

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится в _____ часов _____ 2021 года на заседании Научного совета по присуждению научных степеней PhD.03/30. 12.2019.Ped.72.04 при Бухарском государственном университете (200117, г.Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (0365) 221–29–14; факс: (0365) 221–57–27; e-mail: buksu_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за №.....). (Адрес: г.Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (0365) 221–25–87).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года

С.К. Каххаров
Председатель Научного совета по
присуждению научных степеней, д.п.н.,
профессор

М.Ф. Атоева
Секретарь Научного совета по
присуждению научных степеней, д.ф.п.н.,
(PhD), доцент

Х.О. Жураев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению научных
степеней, д.п.н., (DSc), доцент

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В результате повсеместного внедрения современных инновационных информационных технологий в образовательный процесс в мире особое внимание уделяется самостоятельному изучению и творческому поиску науки. В развитых странах наблюдается широкое использование Международной программы оценки студентов (PISA)³, системы индивидуального обучения (план Далтона), основанной на применении ее требований при преподавании физики для повышения интереса студентов к учебе, для создания дополнительной научно-популярной литературы для использования на уроках и во внеурочной деятельности, для выявления и применения новых подходов к развитию самостоятельных творческих способностей учащихся.

В мировой педагогике проводятся исследования по созданию мотивационной, дифференцированной и творческой среды обучения, позволяющей учащимся развивать свои научные и творческие способности, эффективно организовывать, контролировать и непрерывно развивать самостоятельную деятельность, формировать их творческие и исследовательские навыки. В связи с этим, особое внимание уделяется применению стратегии обучения «мотив-деятельность-результат» в интеграции нетрадиционных и традиционных интерактивных методов в физическом образовании, а также совершенствованию навыков и умений выполнения «домашне-опытных» заданий, направленных на проведение творческих лабораторий на всех этапах физического образования.

Сегодня в нашей стране необходимо готовить высококвалифицированных специалистов, которые могут понимать и управлять современными техникой и технологиями, в том числе грамотный персонал с глубокими знаниями по физике, которая является основой техники и технологии. В Концепции развития системы народного образования до 2030 года намечены такие приоритетные задачи как постепенное применение принципов индивидуализации, развитие научно-практических исследований, направленных на изучение и научное обоснование альтернативных подходов, расширение использования современных образовательных технологий⁴.

В этой сфере приобретает важное значение совершенствование методики организации и проведения самостоятельной учебной деятельности, направленной на кратковременное повторение и переобучение элементарной физике за счет использования виртуальных лабораторных заданий и информационных ресурсов.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию

³ Sky's the limit sky's the limit growth mindset, students and schools in PISA. <https://nces.ed.gov/surveys/pisa/>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Республики Узбекистан», №УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», №УП-5538 от 5 сентября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием», №УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» и в других нормативных документах, связанных с исследованием.

Соответствие диссертационного исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики I. «Формирование инновационной экономики, духовно-просветительское и культурное развитие демократического и правового общества».

Степень изученности проблемы. Проведена определенная научно-исследовательская работа в нашей республике и в странах СНГ по организации, проведению и совершенствованию, а также развитию самостоятельной учебной деятельности учащимся по самостоятельному изучению науки или предмета. Причина в том, что учащиеся должны обладать навыками и компетенциями для самостоятельной работы, чтобы иметь возможность краткосрочно повторить и повторно изучить физику, как и другие науки за короткий период времени.

Проблемы самостоятельного изучения и повторения физики и других естественных наук в короткие сроки исследовали и разработали методические рекомендации К.А. Турсунметов, О.Е. Тигай, А.Н. Худойбердиева, Т. Оплачко, Е.С. Козикова, Ю.К. Бабанский, Е.В. Минько, В.В. Давыдов, В.А. Гидронович, О.В. Оноперенко, Д.Ф. Шеренберг, В.Ф. Шаталов, и др.

В их основе лежит организация и проведение самостоятельной работы, и исследовали их в различной степени в своих научных работах ученые нашей республики: Б. Мирзахмедов, Н. Муслимов, К. Муминходжаев, М. Мусаева, М.А. Болтаева, У. Нишоналиев и ученые из стран СНГ: Б.П. Есипов, М. Ермолаева, Л.В. Жарова, В.Н. Орлов, П. Пидкасистый, Л.А. Иванова, И.Я. Ланина, а также такие зарубежные ученые как F.J. Vucche, P.I. Nolan, J. Walker, D. Giencoli.

Виды самостоятельной работы, классификация их выполнения, положительные особенности самостоятельной работы и самостоятельного образования изучены такими учеными нашей республики как: Б. Мирзахмедов, Д. Пулатова, О. Султанова, М. Джураев, А. Худайбердиева и российскими учеными как: В. Беспалько, Г. Белл, Б.А. Буров, И. Малкин, Р. Микельсон, С.А. Рубинштейн, А. Пёрышкин, А. Усова и их работы заслуживают достойного внимания.

Роль самостоятельной работы в развитии самостоятельного мышления, творческих способностей учащихся и формирование политехнического,

экологического образования и творческих навыков нашла свое отражение в научных трудах таких ученых как А. Мавлонов, Х.О. Джураев, Г. Сагатова и таких российских ученых как В.Ф. Паламорчук, А.А. Плигин, В.Г. Разумовский, Е.А. Румбешта.

В частности, о внедрении современных педагогических технологий в организацию и ведение образования исходя из требований времени заслуживают внимания исследования таких ученых нашей республики как К. Абдурахманова, Дж. Юлдашева, Р.Х. Джураева, Э. Имомова, С.К. Каххорова, М. Лутфиллаева и российских ученых как М. Кларина, А. Ивановой, Т. Соколовой, М. Махмутова, А. Кавтрева.

